

УДК 336.14:378

Адизов Бобир Бахтиёрович

PhD, доцент, Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Бухоро, Ўзбекистон

E-mail: adizov.b@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: НАТИЖАЛАР, МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ФИНАНСОВОЙ САМОСТОЯТЕЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА: РЕЗУЛЬТАТЫ, ФИНАНСОВЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

Адизов Бобир Бахтиёрович

PhD, доцент, независимый исследователь Бухарского государственного университета

Бухара, Узбекистан

E-mail: adizov.b@mail.ru

ENSURING FINANCIAL AUTONOMY OF PUBLIC HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN: RESULTS, FINANCIAL INDICATORS AND DEVELOPMENT PROSPECTS

Adizov Bobir Bakhtiyorovich

PhD, Associate Professor, Independent Researcher at Bukhara State University

Bukhara, Uzbekistan

E-mail: adizov.b@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш жараёнининг амалий натижалари, даромадлар манбалари, харажатлар таркиби ва молиявий барқарорлик омиллари Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети ва Урганч давлат университети мисолида 2022–2025 йиллар кесимида қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқотда динамик, таркибий ва қиёсий таҳлил, SWOT-ёндашув, даромадлар концентрациясини баҳолаш учун Херфиндал–Хиршман индекси (HHI) ҳамда молиявий барқарорликни комплекс баҳолаш учун FSI методикасидан фойдаланилди. Аниқ рақамлар таҳлили давлат буюртмаси ва тўлов-контракт маблағлари ҳали ҳам асосий манбалар эканини, бироқ илмий грантлар, халқаро лойиҳалар, хўжалик шартномалари ва хизматлардан тушумлар ҳам ўсганини кўрсатди. Хусусан, БухДУда давлат буюртмаси 76,12 млрд сўмдан 109,96 млрд сўмга, контракт тушуми 140,58 млрд сўмдан 220,67 млрд сўмга ошган. Даромад концентрацияси HHI орқали ҳисобланганда БухДУда 0,5411 дан 0,4851 гача, СамДУда 0,5902 дан 0,4313 гача, УрДУда 0,5211 дан 0,4870 гача ўзгарган. БухДУ учун таклиф этилган FSI 2022–2025 йилларда мос равишда 0,544; 0,550; 0,326 ва 0,850 ни ташкил этган. Натижалар молиявий автономиянинг ўзи старли эмаслигини, унинг самараси даромадларни диверсификация қилиш, капитал инвестициялар, илмий фаоллик ва рискларни бошқариш билан биргаликда баҳоланиши лозимлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: олий таълим, молиявий мустақиллик, молиявий автономия, молиявий барқарорлик, даромадлар диверсификацияси, тўлов-контракт, давлат буюртмаси, грант, HHI, FSI.

АННОТАЦИЯ

В статье проведена сравнительная оценка результатов финансовой самостоятельности Бухарского государственного университета, Самаркандского государственного университета и Ургенчского государственного университета за 2022–2025 годы.

Исследованы структура доходов и расходов, динамика государственного заказа, платно-контрактных поступлений, научных грантов, международных проектов и хозяйственных договоров. Использованы динамический, структурный и сравнительный анализ, SWOT-подход, индекс Херфиндаля–Хиршмана и методика индекса финансовой устойчивости. Расчёты показывают сохранение высокой зависимости от контрактных доходов при одновременном росте альтернативных источников. ННУ БухДУ снизился с 0,5411 до 0,4851, СамДУ — с 0,5902 до 0,4313, УрДУ — с 0,5211 до 0,4870. FSI БухДУ в 2022–2025 годах составил соответственно 0,544; 0,550; 0,326 и 0,850. Полученные результаты подтверждают необходимость дальнейшей диверсификации доходов, усиления грантовой и коммерциализационной деятельности и перехода к результативному бюджетированию.

Ключевые слова: высшее образование, финансовая самостоятельность, финансовая автономия, финансовая устойчивость, диверсификация доходов, контрактное обучение, государственный заказ, гранты, ННУ, FSI.

ABSTRACT

This article provides a comparative assessment of financial autonomy in Bukhara State University, Samarkand State University and Urgench State University for 2022–2025. Revenue and expenditure structures, state-funded orders, tuition and contract revenues, research grants, international projects and economic contracts are examined using dynamic, structural and comparative analysis, SWOT analysis, the Herfindahl–Hirschman Index and a Financial Sustainability Index methodology. The results show that tuition and state-funded orders remain the dominant revenue sources, while grants, international projects, economic contracts and service revenues have expanded. NHI decreased from 0.5411 to 0.4851 in Bukhara State University, from 0.5902 to 0.4313 in Samarkand State University, and from 0.5211 to 0.4870 in Urgench State University. The calculated FSI for Bukhara State University was 0.544, 0.550, 0.326 and 0.850 in 2022–2025 respectively. The findings indicate that legal financial autonomy should be accompanied by revenue diversification, stronger research and commercialization activity, capital investment management and risk-based budgeting.

Keywords: higher education, financial autonomy, financial sustainability, revenue diversification, tuition and contract revenues, state-funded orders, grants, NHI, FSI, Uzbekistan.

1. Кириш

Олий таълимни модернизация қилиш шароитида университетларнинг молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан мустақил фойдаланиш қобилияти институционал самарадорликнинг муҳим шартларидан бирига айланмоқда. Молиявий автономия ресурсларни стратегик мақсадларга қайта тақсимлаш, инвестиция қарорларини тезлаштириш, илмий лойиҳаларни молиялаштириш ва қўшимча даромад манбаларини ривожлантириш имконини беради. Бироқ молиявий мустақилликни давлат молиялаштиришидан тўлиқ воз кечиш ёки ўзини ўзи молиялаштириш билан тенглаштириш илмий жиҳатдан тўғри эмас. Унинг иқтисодий мазмуни ресурсларни бошқариш эркинлиги, ҳисобдорлик, диверсификация ва натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг бирлигида намоён бўлади [4–7].

Ўзбекистонда давлат ОТМларининг академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллигини кенгайтириш 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ–60 ва ПҚ–61-сон қарорлар билан институционал жиҳатдан кучайтирилди [1; 2]. 2022 йил 21 июндаги ПҚ–289-сон қарор эса ушбу механизмларни янада кенгайтди [3]. Натижада университетлар бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш, харажатларни устувор йўналишларга тақсимлаш, инвестиция ва илмий лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кенгроқ имкониятларга эга бўлди.

Мақоланинг мақсади

БухДУ, СамДУ ва УрДУнинг 2022–2025 йиллардаги молиявий кўрсаткичларини аниқ рақамлар асосида қиёсий баҳолаш, даромадлар диверсификацияси ва концентрациясидаги ўзгаришларни аниқлаш, харажатларнинг стратегик йўналишларини таҳлил қилиш ҳамда молиявий барқарорликни комплекс баҳолаш методикасини амалда қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги уч йўналишда шакллантирилди: биринчидан, учта давлат университетининг бир хил давр ва бир хил индикаторлар бўйича қиёсий молиявий

профили тузилди; иккинчидан, даромадлар концентрацияси асосий манбалар таркиби бўйича ННІ орқали ҳисобланди; учинчидан, БухДУ мисолида диверсификация, контрактга боғлиқлик, грантлар, инвестиция фаоллиги ва стратегик харажатларни бирлаштирувчи FSI рақамли натижа билан ҳисобланди.

2. ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Тадқиқотнинг эмпирик базасини БухДУ, СамДУ ва УрДУнинг 2022–2025 йилларга оид тадқиқот учун тақдим этилган молиявий маълумотлари, олий таълим соҳасига оид статистик ва таҳлилий материаллар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этди. Университетлар кесимида даромадлар давлат буюртмаси, тўлов-контракт, илмий грантлар, халқаро лойиҳалар, хўжалик шартномалари, ижара ва хизматлардан тушумларга ажратилди. Харажатлар иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар, инфратузилма, лабораториялар, АКТ, илмий тадқиқотлар ва бошқа харажатлар бўйича гуруҳланди.

Хўжалик шартномалари бўйича 2025 йил кўрсаткичлари БухДУда 20,00 млрд сўм, СамДУда 18,00 млрд сўм ва УрДУда 19,00 млрд сўмни ташкил этди.

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Даромад манбасининг умумий даромаддаги улуши қуйидаги формула орқали ҳисобланди:

$$U_i = (D_i / D) \times 100\%,$$

бу ерда D_i — i -манба бўйича даромад, D — жами даромад. Харажат турининг улуши $S_j = (X_j / X) \times 100\%$ формуласи билан аниқланди.

Даромадлар концентрацияси Херфиндал–Хиршман индекси орқали баҳоланди: $HHI = \sum s_i^2$. Бу ерда s_i — i -манбанинг умумий даромаддаги улуши 0–1 оралиғида. ННІ 1 га яқинлашган сари даромадлар бир ёки бир нечта манбада юқори даражада жамланганини, паст қийматлар эса диверсификация юқорилигини англатади. Ушбу мақолада ННІ олтига асосий даромад манбаси бўйича тўлиқ улушлардан ҳисобланди; шу сабабли шартли учта манбага асосланган мисол ўрнига реал қиёсий натижа олинди.

Молиявий барқарорлик индекси FSI 0–1 оралиғида шакллантирилди. Унинг компонентлари: даромад диверсификацияси (Div , 0,25), контрактга боғлиқликнинг тескари кўрсаткичи (C^* , 0,20), грантлар улуши (G , 0,20), инвестиция фаоллиги (I , 0,20) ва стратегик харажатлар улуши (S , 0,15). Фойдали индикаторлар учун $Z = (x - x_{min}) / (x_{max} - x_{min})$, риск индикатори учун $Z = (x_{max} - x) / (x_{max} - x_{min})$ қўлланилди. БухДУ учун $Div = 1 - ННІ$; $C^* = 1 - \text{контракт улуши}$; $G = \text{грант улуши}$; $I = \text{инвестицион характердаги харажатларнинг умумий харажатдаги улуши}$; $S = \text{инфратузилма} + \text{лаборатория} + \text{АКТ} + \text{илмий тадқиқот харажатларининг умумий харажатдаги улуши сифатида белгиланди}$. Нормаллаштириш 2022–2025 йиллар оралиғидаги БухДУ қатори бўйича амалга оширилди.

Якуний FSI формуласи: $FSI = 0,25Div + 0,20C^* + 0,20G + 0,20I + 0,15S$. Талқин шкаласи: 0,80–1,00 — жуда юқори; 0,60–0,79 — юқори; 0,40–0,59 — ўртача; 0,20–0,39 — паст; 0–0,19 — жуда паст.

Тадқиқотда динамик таҳлил, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил ва SWOT-таҳлил бир-бирини тўлдирувчи усуллар сифатида қўлланилди. Бундай ёндашув мутлақ тушум ўсишинигина эмас, балки унинг таркибий сифати ва рискларини ҳам баҳолаш имконини беради.

4. НАТИЖАЛАР

4.1. Молиявий мустақил давлат ОТМлари қамрови

Йил	Давлат ОТМлари, та	Молиявий мустақил ОТМлар, та	Улуш, %
2021	96	35	36,5
2022	102	35	34,3
2023	107	41	38,3
2024	112	41	36,6

Манба: тадқиқот учун тақдим этилган статистик ва таҳлилий материаллар; муаллиф ҳисоб-китоблари.

2021–2024 йилларда молиявий мустақил давлат ОТМлари сони 35 тадан 41 тага ошди, яъни 17,1% ўсиш қайд этилди. 2023 йилда қамровнинг 41 тага етгани институционал автономия механизмларининг кенгайганини кўрсатади. 2024 йилда мустақил ОТМлар сони

ўзгармаган бўлса-да, умумий давлат ОТМлари 112 тага етгани учун улуш 36,6% бўлди. Демак, кейинги босқичда масала фақат мустақил ОТМлар сонини кўпайтириш эмас, балки берилган автономиянинг иқтисодий натижадорлигини оширишга кўпроқ қаратилиши лозим.

4.2. Даромадлар динамикаси ва таркиби

Манба / ОТМ	2022	2023	2024	2025	2022–2025 ўзгариш
БухДУ — давлат буюртмаси	76,12	83,31	96,58	109,96	33,84
БухДУ — тўлов-контракт	140,58	147,26	360,89	220,67	80,09
СамДУ — давлат буюртмаси	95,54	95,41	95,18	112,24	16,70
СамДУ — тўлов-контракт	240,92	179,69	147,23	140,92	-100,00
УрДУ — давлат буюртмаси	81,59	84,47	95,99	103,12	21,53
УрДУ — тўлов-контракт	128,73	110,45	342,85	209,64	80,91

Манба: университетларнинг молиявий маълумотлари ва муаллиф ҳисоб-китоблари.

БухДУда давлат буюртмаси 2022 йилдаги 76,12 млрд сўмдан 2025 йилда 109,96 млрд сўмга, яъни 33,84 млрд сўмга ошди. СамДУда ўсиш 95,54 млрд сўмдан 112,24 млрд сўмгача, УрДУда 81,59 млрд сўмдан 103,12 млрд сўмгача бўлди. Бу давлат буюртмаси университетларнинг базавий молиявий барқарорлигини таъминловчи муҳим манба бўлиб қолганини кўрсатади.

Контракт тушумларида университетлар динамикаси фарқланади. БухДУда 140,58 млрд сўмдан 220,67 млрд сўмгача ўсиш 80,09 млрд сўмни ташкил этди. УрДУда 128,73 млрд сўмдан 209,64 млрд сўмгача ўсиш 80,91 млрд сўм бўлди. СамДУда эса контракт тушуми 240,92 млрд сўмдан 140,92 млрд сўмга камайди. Шунинг учун молиявий автономия натижасини фақат умумий тушум ўсиши билан баҳолаш нотўғри: контракт тушумидаги ўзгариш талабалар контингенти, қабул сиёсати ва давлат буюртмаси улуши билан биргаликда талқин қилиниши керак.

Қўшимча манбаларнинг ўсиши алоҳида аҳамиятга эга. БухДУда илмий грантлар 0,12 млрд сўмдан 1,40 млрд сўмга, халқаро лойиҳалар 0,06 млрд сўмдан 1,77 млрд сўмга ошди. СамДУда грантлар 0,24 млрд сўмдан 1,40 млрд сўмга, халқаро лойиҳалар 0,07 млрд сўмдан 1,83 млрд сўмга етди. УрДУда грантлар 0,22 млрд сўмдан 1,20 млрд сўмга, халқаро лойиҳалар 0,06 млрд сўмдан 1,63 млрд сўмга ошган. Хўжалик шартномалари бўйича янгиланган 2025 йил маълумотлари БухДУда 20,00 млрд сўм, СамДУда 18,00 млрд сўм ва УрДУда 19,00 млрд сўмни ташкил этди. Ижара ва хизматлар тушуми 2025 йилда мос равишда 1,36; 1,34 ва 1,32 млрд сўм бўлди.

Кўрсаткич	БухДУ 2022	БухДУ 2025	СамДУ 2022	СамДУ 2025	УрДУ 2022	УрДУ 2025
Илмий грантлар, млрд сўм	0,12	1,40	0,24	1,40	0,22	1,20
Халқаро лойиҳалар, млрд сўм	0,06	1,77	0,07	1,83	0,06	1,63
Хўжалик шартномалари, млрд сўм	0,07	20,00	0,08	18,00	0,10	19,00
Ижара ва хизматлар, млрд сўм	0,38	1,36	0,50	1,34	0,43	1,32

Манба: университетларнинг молиявий маълумотлари ва муаллиф ҳисоб-китоблари.

4.3. Даромадлар концентрацияси: ННІ натижалари

ОТМ	ННІ 2022	Диверсификация 2022	ННІ 2025	Диверсификация 2025	Ўзгариш
БухДУ	0,5411	0,4589	0,4851	0,5149	-0,0560
СамДУ	0,5902	0,4098	0,4313	0,5687	-0,1589
УрДУ	0,5211	0,4789	0,4870	0,5130	-0,0341

Манба: университетларнинг молиявий маълумотлари ва муаллиф ҳисоб-китоблари.

СамДУда ўзгариш анча катта: ННІ 0,5902 дан 0,4313 гача камайган, диверсификация эса 0,4098 дан 0,5687 гача ошган. Бу, асосан, контракт даромадлари улушининг пасайиши ва давлат буюртмаси ҳамда муқобил манбалар таркибининг ўзгариши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, молиявий мустақилликнинг сифат натижаси университетлар кесимида бир хил эмас. СамДУда диверсификациянинг энг катта яхшиланиши кузатилса, БухДУда ижобий, аммо чекланган ўзгариш қайд этилди. УрДУда эса альтернатив манбалар мутлақ кийматда ўсган бўлса ҳам, уларнинг умумий даромаддаги улуши концентрацияни пасайтириш учун ҳали етарли даражага чиқмаган.

4.4. Харажатлар таркиби ва инвестиция устуворликлари

ОТМ	Иш ҳақи 2022	Иш ҳақи 2025	Инфратузилма 2022	Инфратузилма 2025
БухДУ	156,98	210,87	76,61	61,26
СамДУ	179,91	211,14	38,38	14,20
УрДУ	163,55	191,94	34,89	12,91

Манба: университетларнинг молиявий маълумотлари ва муаллиф ҳисоб-китоблари.

СамДУда иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар 179,91 млрд сўмдан 211,14 млрд сўмга, УрДУда 163,55 млрд сўмдан 191,94 млрд сўмга ошди. БухДУда ушбу кўрсаткич 156,98 млрд сўмдан 210,87 млрд сўмга етди. Демак, инсон капитали харажатлари уч университетда ҳам молиявий ресурсларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолган.

Инфратузилма харажатлари эса аксинча, СамДУда 38,38 млрд сўмдан 14,20 млрд сўмга, УрДУда 34,89 млрд сўмдан 12,91 млрд сўмга қисқарган. БухДУда 76,61 млрд сўмдан 61,26 млрд сўмга тушган. Буни дастлабки йилларда қурилиш ва реконструкцияга йирик маблағлар йўналтирилиб, кейинги босқичда эксплуатация ва бошқа стратегик йўналишларга қайта тақсимлаш билан изоҳлаш мумкин.

БухДУда «бошқа харажатлар» 2022–2025 йилларда жуда катта ҳажмда бўлиб, 4195,00 млн сўмдан 10596,00 млн сўмгача ўсган. Тақдим этилган материалларда бу категория асосан қурилиш, капитал реконструкция, капитал таъмирлаш ва моддий-техника базасини янгилаш билан боғлиқ инвестицион харажатлар сифатида талқин қилинган. Шу сабабли ушбу кўрсаткични оддий жорий харажат сифатида эмас, инвестицион фаоллик контекстида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

4.5. БухДУ учун FSI ҳисоб-китоби

Йил	Div	C*	G	I	S	FSI	Талқин
2022	0.667	0.840	0.000	0.703	0.461	0.544	ўртача
2023	0.731	0.921	0.167	0.000	1.000	0.550	ўртача
2024	0.000	0.000	0.628	1.000	0.000	0.326	паст
2025	1.000	1.000	1.000	0.995	0.007	0.850	жуда юқори

Манба: университетларнинг молиявий маълумотлари ва муаллиф ҳисоб-китоблари.

FSI натижаси 2022 йилда 0,544, 2023 йилда 0,550, 2024 йилда 0,326 ва 2025 йилда 0,850 бўлди. 2022–2023 йилларда индекс «ўртача» даражада шаклланган. 2024 йилда контракт улушининг 78,06% гача кўтарилиши ва диверсификациянинг пасайиши индексни 0,326 гача туширган. 2025 йилда контракт улуши 65,47% гача пасайиши, грантлар ва халқаро лойиҳалар тушумининг ўсиши ҳамда инвестицион фаолликнинг юқори бўлиши натижасида FSI 0,850 гача кўтарилиб, «жуда юқори» тоифага кирган.

4.6. SWOT-таҳлил

Йўналиш	Кучли томонлар	Заиф томонлар	Имкониятлар	Таҳдидлар
Молиявий бошқарув	Мустақил ресурс тақсироти; корпоратив бошқарув	Контрактга юқори боғлиқлик	Халқаро грантлар, инвестициялар, хусусий сектор	Инфляция, контракт талабининг ўзгариши
Таълим	Дастурларни мустақил такомиллаштириш; рақамлаштириш	Айрим дастурларни бозор талабига мослаштириш зарурати	Қўшма дастурлар, таълим экспорти	Хусусий ОТМлар билан рақобат
Илмий фаолият	Грантларда иштирок имконияти	Грант улушининг пастлиги	Халқаро фондлар, тижоратлаштириш	Грантлар учун рақобат, кадрлар миграцияси
Инновация	Мустақил қарор қабул қилиш	Тижоратлаштириш инфратузилмаси чекланган	Технопарк ва стартаплар	Янги технологияларнинг юқори қиймати
Инфратузилма	Капитал инвестиция имконияти	Сақлаш харажатлари юқори	Энергия тежамкор ва рақамли кампус	Қурилиш материаллари қимматлашиши

Манба: муаллифнинг тадқиқот натижалари асосида тузилган.

5. МУҲОКАМА

Олинган натижалар молиявий мустақилликнинг асосий самараси ҳуқуқий ваколатларнинг кенгайишида эмас, балки университетнинг молиявий қарорларни стратегик мақсадлар билан боғлаш қобилиятида намоён бўлишини кўрсатади. Уч университетда давлат буюртмаси ва контракт тушумлари асосий манба бўлиб қолгани автономиянинг ҳали тўлиқ диверсификацияланган молиявий моделга айланмаганини англатади. Шу билан бирга, грантлар, халқаро лойиҳалар ва хўжалик шартномалари бўйича мутлақ тушумларнинг кўпайиши ташқи ресурслар базаси шаклланаётганини кўрсатади. Харажатлар таҳлилида иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг юқори даражаси инсон капиталига сармояларнинг аҳамиятини кўрсатади. Бироқ университет молиявий мустақиллиги узок муддатли рақобатбардошликни таъминлаши учун илмий тадқиқот, АКТ, лабораториялар ва капитал инвестицияларга ажратиладиган маблағлар ҳам алоҳида КРІлар билан боғланиши керак. БухДУда 2024–2025 йилларда инвестицион характердаги «бошқа харажатлар»нинг юқори бўлиши инфратузилмани янгилаш босқичи фаол кечганини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари OECD ва World Bank ёндашувларида таъкидланган молиявий автономия — ҳисобдорлик — диверсификация бирлигини қўллаб-қувватлайди [4–6]. Ўзбекистон бўйича тадқиқотлар ҳам контракт маблағлари, давлат бюджети, грантлар ва хусусий инвестицияларни диверсификация қилиш, натижага асосланган бюджетлаштириш ва молиявий ресурсларни самарали бошқариш заруратини кўрсатган [8–11]. Шу нуқтаи назардан, мазкур мақоланинг ННІ ва FSI кўрсаткичлари университет молиясини мутлақ ҳажмдан нисбий сифат кўрсаткичларига ўтказиш имконини беради.

Амалиёт учун урта устувор йўналиш таклиф этилади. Биринчиси, ҳар йили ННІ ва контракт/жами даромад коэффициентини мониторинг қилиш. Иккинчиси, грант офиси, халқаро лойиҳа бошқаруви ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш тизимини кучайтириш. Учинчиси, бюджетни КРІ асосида режалаштириш: ҳар бир стратегик харажат

йўналиши учун 1 талабага харажат, грант тушуми, илмий натижа, лицензия ва консалтинг тушуми каби натижавий кўрсаткичлар белгиланиши лозим.

6. ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда давлат ОТМларининг молиявий мустақиллиги институционал имкониятларни кенгайтирганини, бироқ унинг самарадорлиги университетлар кесимида турлича намоён бўлаётганини кўрсатди. 2021–2024 йилларда молиявий мустақил ОТМлар сони 35 тадан 41 тага ошган. Бу жараённинг кейинги босқичида асосий эътибор автономия қамровидан ташқари унинг молиявий натижадорлигига қаратилиши зарур.

БухДУда 2022–2025 йилларда давлат буюртмаси 76,12 млрд сўмдан 109,96 млрд сўмга, контракт тушуми 140,58 млрд сўмдан 220,67 млрд сўмга ошди. СамДУда давлат буюртмаси 95,54 млрд сўмдан 112,24 млрд сўмга кўпайган бўлса, контракт тушуми 240,92 млрд сўмдан 140,92 млрд сўмга қисқарди. УрДУда давлат буюртмаси 81,59 млрд сўмдан 103,12 млрд сўмга, контракт тушуми 128,73 млрд сўмдан 209,64 млрд сўмга ошди. Шу билан бирга, қўшимча манбаларда ҳам сезиларли ўсиш қайд этилди.

ННІ ҳисоб-китоблари молиявий мустақиллик натижасини баҳолашда диверсификация кўрсаткичи муҳимлигини тасдиқлади. БухДУда ННІ 0,5411 дан 0,4851 гача пасайди; СамДУда 0,5902 дан 0,4313 гача тушди; УрДУда 0,5211 дан 0,4870 гача пасайди. Демак, қўшимча даромадларнинг мутлақ ўсиши автоматик равишда диверсификациянинг яхшиланишини англатмайди; уларнинг умумий даромаддаги улуши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

БухДУ учун ҳисобланган FSI 2022 йилда 0,544, 2023 йилда 0,550, 2024 йилда 0,326 ва 2025 йилда 0,850 бўлди. Бу индекс 2024 йилда молиявий рисклар кучайганини, 2025 йилда эса мазкур композит индекс бўйича молиявий барқарорлик кўрсаткичи яхшиланганини кўрсатади.

Шу асосда давлат ОТМларида 3–5 йиллик даромад диверсификация стратегиясини ишлаб чиқиш, НННни йиллик КРІ сифатида киритиш, грант ва халқаро лойиҳаларни кўпайтириш, хўжалик шартномалари ва консалтинг тушумларини ошириш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, капитал инвестицияларни натижа кўрсаткичлари билан боғлаш ҳамда молиявий рискларни чораклик мониторинг қилиш мақсадга мувофиқ.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ–60-сон «Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ–61-сон «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги ПҚ–289-сон «Олий таълим муассасаларининг академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллигини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
4. OECD. The Financial Sustainability of Higher Education: Insights from Policy in OECD Countries. Paris: OECD Publishing, 2025.
5. OECD. Resourcing Higher Education: A Policy Guide to Funding Higher Education Institutions. Paris: OECD Publishing, 2020.
6. World Bank. Higher Education Financing and Financial Autonomy: Policy and Governance Perspectives. Washington, DC, 2023.
7. Exploring the impact of financial autonomy on educational quality in higher education institutions. Social Sciences & Humanities Open, 2025. DOI: 10.1016/j.ssaho.2025.101935.
8. Tashkhodjaev M. Analysis of factors determining efficiency of financial management in higher educational institutions in Uzbekistan. Economics and Innovative Technologies, 2023. DOI: 10.55439/EIT/vol11_iss4/a13.

9. Khamraev M.S. Issues of strengthening the financial support of higher education institutions in Uzbekistan. The Innovation Economy, 2026, 1(01).
10. Islomov B.Z. Analysis of the current status of financial resource management in higher educational institutions. Journal of International Finance and Accounting, 2025.
11. Valiev Sh. Пути совершенствования практики финансирования высших образовательных учреждений в Узбекистане. Экономическое развитие и анализ, 2024, pp. 318–327. DOI: 10.71337/inlibrary.uz.eitt.44837.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. ЎРҚ–637-сон, 2020 йил 23 сентябрь.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.